

# ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР – МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ОМИЛИ

Худайберганов Равшонбек Худайберган ўғли

Тошкент давлат транспорт университети

ф.ф.н., доцент

*Аннотация:* Мазкур мақолада ижтимоий тармоқларда инсонларни маданиятараро мулоқот қилишида тилнинг ўрни шунингдек, ахборот коммуникация воситаларининг ривожланиши ижтимоий ҳаётнинг барча иқтисодий, сиёсий ва маънавий томонларининг ўзгаришига олиб келаётганлиги таҳлил қилган. Ижтимоий тармоқларда тил ва ахборот коммуникациялар мулоқот тизимининг муҳим омили эканлиги ёритилган.

*Калит сўзлар:* тил ва ахборот, мулоқот, интеллектуал, ижтимоий тармоқ, тил ва коммуникация, глобллашув, вербаль, адабий тил, нутқ ва онг.

Жамиятда ижтимоий тармоқлар коммуникатив ва информацион жараёнларининг мажмуидир. Ижтимоий ҳаётда ахборот технологиялари орқали ўзаро мулоқот жараёнлари давомида ижтимоий тармоқлар алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, “XXI аср учун кун тартиби” дастурларини амалга оширишда, уларнинг ҳаётчанлигини таъминлаш, даставвал, турли ҳудудлардаги ижтимоий жараёнларнинг мутаносиб кечиши, турли томонларнинг ўзаро уйғунлашуви, жамиятдаги ижтимоий қатламлар вакилларининг ҳамжиҳатлигида, давлатлар, ташкилотлар ва шахсларнинг бир бирига боғлиқлик даражасининг мустаҳкамлигига бевосита алоқадор эканлиги қайта қайта таъкидланмоқда”<sup>1</sup>.

Ҳозирги вақтда мулоқот тўғрисида гап кетганда одатда информация узатишнинг турли шакллари яъни вербаль, аудио ва кўриш, визуаль алоқалар технологиялари кўзда тутилади. Замонавий янги коммуникация

---

<sup>1</sup> Янги Ўзбекистон янгича дунёқараш. Тошкент: 2021. Б. 81.

технологиялари қанча мукамал бўлмасин, улар инсон тили, нутқи ва онги ресурслари билан ифодалангандир. Шунингдек, оммавий ахборот коммуникация воситаларининг ривожланиши ижтимоий ҳаётнинг барча иқтисодий, сиёсий ва маънавий томонларининг кескин ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатди.

Биобарин, Н.Махмудов: “Ҳар қандай оммавий ахборот коммуникация воситасининг асосий қуроли – тил, сўз экани кундай равшан. Уларда ўзбек тилининг бойлиги, гўзаллиги, таъсир кучи етарли даражада акс этмоғи лозим. Нутқнинг маданийлигини таъминлайдиган аниқлик, софлик, мантиқийлик, жўялилик каби энг зарурий сифатларнинг бирортаси мазкур воситаларда бўлмаслаги керак, акс холда мақсадга эришиб бўлмайди. Шунини ҳам айтиш ўринлики, оммавий ахборот коммуникация воситалари тили жамиятнинг адабий тили учун эталон вазифасини бажармоғи, кишиларда адабий тил кўникмаларини мустаҳкамлашга, айни чоқда, уларнинг нутқ маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоғи керак”<sup>2</sup>, – дея ижтимоий тармоқларда тил ва ахборот коммуникациялар мулоқот тизимининг муҳим омил эканлигини таъкидлайди.

Ҳозирги компьютер технологияларининг, хусусан интернет ижтимоий тармоқларидаги мобиль алоқалар глобал масштабларда тараққиёт этиши ва тарқалиши билан бир қатор янги глобал постиндустриал ёки информацион жамиятнинг шаклланишини тақозо этмоқда.

Бироқ мазкур контекстда гап ижтимоий муомаланинг моҳиятини аниқлаш устида кетмоқда. Биз учун муҳим бўлган нарса бу эмас балки, ижтимоий мулоқот фақат одамлар орасида ахборот узатиш эмаслигини қайд қилишдир. Ахборот узатиш унинг турларидан биридир. Хусусан ҳозирда ижтимоий тармоқларда тил ва коммуникацияни ташкил этиш, шунингдек, ижтимоий шахслараро мулоқат тизими жадал суратда ривожланиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада Америкалик тадқиқотчи М.Портер, “ҳар қандай давлатнинг иқтисодий рақобатбардошлиги ва

---

<sup>2</sup> Махмудов Н. Ўқтам ва ўлмас тилимиз // Тафаккур журнали. Т.: - 2010. № 4. 9-бет.

мамлакатдаги турли ижтимоий қатламлар вакилларининг интеллектуал тараққиёт даражаси, касбий фаоллик ҳамда энг муҳими ижтимоий ахиллик, ҳамжихатлик, ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятда адолатлилик ва одамларнинг бир-бирига нечоғлик маънавий боғланганлик ҳолатига бевосита боғлиқдир”<sup>3</sup>, – деб ёзади.

Ижтимоий мулоқот – кенг маънода одамлар орасида турли – туман шаклларда, турли воситалар орқали амалга ошириладиган ўзаро таъсир жараёнларидир. Чунки, нутқ ва тил одамларнинг фаолиятларида мавжуд бўлади. Ижтимоий мулоқотда шундай жараёнлар ҳам борки, уларнинг моҳияти мутлақо вербаль ахборотлар узатиш эмас, бироқ уларда ҳам одатда сўз ахборотларни ташиш имкони бўлади.

Бугун ижтимоий тармоқлар (social network) ҳақида гапириш эски кийимларни яна урфга киритишдек гап. Бироқ, замонавий жараёнлар, Мой Мир, Фейсбук, В Контакте, Одноклассники каби сайтларнинг одамлар дунёқараши, кундалик турмуши ва руҳиятига кўрсатаётган таъсири эски сандиқ ичини яна бир бор кўздан кечиришга, ижтимоий тармоқларни кун мавзуси даражасига олиб чиқишга ундаяпти.

Ижтимоий тармоқларнинг ютуғи шундаки, улар ҳар бир одам учун виртуал ҳаёт яратиш, атрофдагиларга ўзини-ўзи истагандек намоён қилиш, туну кун виртуал алоқада қолиш имконини беради. Интернетдаги бошпанасини турли матнлар, расмлар, видео роликлари, умуман ахборотнинг ҳар қандай тури билан тўлдириш, дўстлар билан суҳбат куриш, уларнинг социал тармоқ доирасидаги фаолиятига фикр ва муносабат билдириш орқали, фойдаланувчи ўзини ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчиси, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосидек ҳис қилади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Википедия сайтининг ўзи ҳам ижтимоий тармоқлар тоифасига киради. Фойдаланувчиларининг кўплиги жиҳатидан, ижтимоий тармоқлар орасида Фейсбук сайти алоҳида ўринга эга. Айни пайтда унга аъзо бўлганлар сони 500 миллиондан ортиқ. Бу сайт

---

<sup>3</sup> Портер М. Конкуренция. М.Вильямс, 2006.–С.608.

фотосурат, матн ва видеоларни жойлаштириш, машхур ёзувчилар, актёрлар билан дўстлашиш, сайтга аъзо бўлган дўстлар ҳаётидаги янгиликлардан хабардор бўлиш, одамлар билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш каби қулайликларни тақдим этади. Ижтимоий тармоқларга муурожаат этувчиларнинг аксариятини 18-24 ёшлардаги фойдаланувчилар ташкил этади. Россиялик олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотдан маълум бўлдики, ижтимоий тармоқ меҳмонларининг 49 фоизи эркеклар ва 63 фоизи аёллардан иборат.

Ижтимоий тармоқларда маълумотлардан, шу жумладан шахсий маълумотлардан фойдаланиш маданияти бўлиши керак. Эътибор бериб, келтирилган веб саҳифалар таҳлил қилинса қуйидаги салбий ҳолатлар ва камчиликлар учраб туради:

1. Фойдаланувчиларнинг айримлари ўз номлари билан рўйхатдан ўтишмайди;
2. Номқбул фото суръатлар қўйишади;
3. Ўзаро мулоқатларда ҳурматсизлик қилишади;
4. Бемаъни гаплар ёзадилар, баъзан нотўғри маълумотлардан фойдаланади;
5. Саҳифалар ижтимоий бўлишига қарамасдан сиёсий мулоқотлар ўрнатадилар ва ҳоқоза.

Демак, ижтимоий тармоқларда маълумотлардан, шу жумладан шахсий маълумотлардан фойдаланиш маданияти деганда, юқорида келтирилган салбий ҳолатлар ва камчиликларга йўл қўймаслик тушунилади. Ваҳоланки, маълум бир шахс томонидан интернет ижтимоий тармоқлар тизимида қўйиладиган маълумотлар бошқа шахслар ёки ижтимоий гуруҳлар томонидан турли мақсадларда ҳам фойдаланилиши мумкин. Шу жумладан айрим ҳолларда маънавият ва маърифатга ҳам зид бўлади.

Бугунги кунда ахборот коммуникацион технологиялар ривожига янги бир инқилобий босқич авж олаётган даврдир. Сабаби бундан 50 йил аввал 30 вароқ матнни 5 минг км. масофага почта орқали юбориш учун камида ўн кун

вақт ва 30 доллар даркор эди. 20 йил муқаддам эса бу учун факсдан фойдаланиб бир соат вақт ва 50 доллар керак бўлар эди. Ҳозирда буни амалга ошириш учун 3 сония вақт ва 3 центга тенг маблағ кифоя. Яъни ахборот тарқатиш қиймати минг маротаба камайди ва тезлиги 300 минг маротаба ортди. Бу борада Д.Назарова, “XXI асрда янгича ақлий салоҳият ва замонавий илғор тафаккур билан қуролланиб, коммуникация ҳамда ахборот технологияларига асосланган, дунё андозаларига мос таълим тизимини шакллантириш зарурати туғилмоқда”<sup>4</sup>, дея интернет ва ахборот-коммуникация соҳасини жадал суратда ривожланиб бораётганлиги алоҳида таъкидлайди.

Бизнингча, янги ахборот тармоқлари хусусан, интернет глобалашув даврида фан фалсафаси тадқиқот объектига айланмоқда. Бу борада интернет ва ижтимоий тармоқларни вужудга келиши ва фаол ҳаракатнинг ижтимоий-фалсафий тадқиқотларининг муайян натижаларига суянган ҳолда илмий концептуал фикр-мулоҳазаларни илгари суриш мумкин.

Хуллас, ижтимоий интернет тармоқларининг фаолиятидаги иштирокчилари ўзаро ҳаракатининг коммуникатив, иқтисодий-психологик жиҳатлари билан боғланган субъектив омилларга боғлиқ бўлади. Ижтимоий-маданий мулоқот муҳити ижтимоий қадриятлар ва меъёрларни, шунингдек, тил ва коммуникация технологияларини, ахборот маданияти билимларини ўзлаштириш орқали амалга оширилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Махмудов Н. Ўқтам ва ўлмас тилимиз // Тафаккур журнали. Т.: - 2010. № 4. 9-бет.
2. Назарова Д. Миқдордан сифатга // Тафаккур журнали. Т.: - 2010. № 4. 87-бет.
3. Портер М. Конкуренция. М.Вильямс, 2006.—С.608.
4. Янги Ўзбекистон янгича дунёқараш. Тошкент: 2021. Б. 81.

---

<sup>4</sup> Назарова Д. Миқдордан сифатга // Тафаккур журнали. Т.: - 2010. № 4. 87-бет.